

Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 909-ҳадис

909 – وَعَنْهُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: إِنَّ اللَّهَ عَزَّ وَجَلَّ يَقُولُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ: «يَا ابْنَ آدَمَ، مَرِضْتُ فَلَمْ تُعُدْنِي، قَالَ: يَا رَبِّ؛ كَيْفَ أَعُوذُكَ وَأَنْتَ رَبُّ الْعَالَمِينَ؟! قَالَ: أَمَا عَلِمْتَ أَنَّ عَبْدِي فُلَانًا مَرِضَ فَلَمْ تُعُدْهُ؟ أَمَا عَلِمْتَ أَنَّكَ لَوْ عُدْتَهُ لَوَجَدْتَنِي عِنْدَهُ؟ يَا ابْنَ آدَمَ؛ اسْتَطَعْتُمُكَ فَلَمْ تُطْعِمْنِي؟ قَالَ: يَا رَبِّ؛ كَيْفَ أُطْعِمُكَ وَأَنْتَ رَبُّ الْعَالَمِينَ؟! قَالَ: أَمَا عَلِمْتَ أَنَّهُ اسْتَطَعَمَكَ عَبْدِي فُلَانٌ فَلَمْ تُطْعِمْهُ، أَمَا عَلِمْتَ أَنَّكَ لَوْ أُطْعِمْتَهُ لَوَجَدْتَ ذَلِكَ عِنْدِي؟ يَا ابْنَ آدَمَ؛ اسْتَسْقَيْتُكَ فَلَمْ تَسْقِنِي؟ قَالَ: يَا رَبِّ؛ كَيْفَ أَسْقِيكَ وَأَنْتَ رَبُّ الْعَالَمِينَ؟! قَالَ: اسْتَسْقَاكَ عَبْدِي فُلَانٌ فَلَمْ تَسْقِهِ، أَمَا عَلِمْتَ أَنَّكَ لَوْ سَقَيْتَهُ وَجَدْتَ ذَلِكَ عِنْدِي؟». رَوَاهُ مُسْلِمٌ [2569].

909. Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам шундай дедилар: **«Қиёмат куни Аллоҳ азза ва жалла: «Эй Одам боласи, Мен касал бўлдим, лекин сен Мени йўқламадинг», дейди. «Эй Роббим, Сен оламларнинг Робби бўлсанг, қандай қилиб сени йўқлайин?» дейди. «Эсингдами, фалон бандам касал бўлган эди, лекин сен уни йўқламадинг? Агар уни йўқлаганингда Мени унинг ҳузуринда топган бўлар эдинг. Эй Одам боласи, Мен сендан таом сўрадим, лекин сен Менга таом бермадинг», дейди. «Эй Роббим, Сен оламларнинг Робби бўлсанг, қандай қилиб Сенга таом берайин?» дейди. «Эсингдами, фалон бандам сендан таом сўраган эди, лекин сен унга таом бермадинг. Агар унга таом берганингда, ўшани(нг савобини) ҳузуримда топган бўлар эдинг. Эй Одам боласи, Мен сендан сув сўрадим, лекин сен Менга сув бермадинг», дейди. «Эй Роббим, Сен оламларнинг Робби бўлсанг, қандай қилиб Сенга сув берайин?» дейди. «Эсингдами, фалон бандам сендан сув сўраган эди, лекин сен унга сув бермаган эдинг. Агар унга сув берганингда, ўшани(нг савобини) ҳузуримда топган бўлар эдинг», дейди».**

Имом Муслим ривояти.

Шарҳ: Ушбу ҳадиси қудсийда муҳтож кишиларга таом ва шароб тутиш худди Аллоҳ таолога таом ва шароб тутишга тенглаштирилмоқда. Бундай улуғ ишни қилишга имкони бўлган ҳар бир мусулмон, албатта, уни амалга ошириши лозим бўлади. Аллоҳ таолонинг: «Ўшани Менинг ҳузуримда топган бўлар эдинг», дейиши, ўша ишнинг савобини, деганидир.

Биз бу ривоятдан ҳозир далил бўладиган жойи қуйидаги қисмидир:

«Эй Одам боласи, Мен касал бўлдим, лекин сен Мени йўқламадинг», дейди. «Эй Роббим, Сен оламларнинг Робби бўлсанг, қандай қилиб сени йўқлайин?» дейди. «Эсингдами, фалон бандам касал бўлган эди, лекин сен уни йўқламадинг? Агар уни йўқлаганингда Мени унинг ҳузуринда топган бўлар эдинг».

Демак, бир бемор бандани кўргани борган одам жуда улуғ иш қилган бўлар экан. Бир бандани бемор бўлганини билиб туриб уни кўргани бормаган одам эса, катта нуқсонга йўл қўйган бўлар экан.

Шунинг учун таниш-билишларимиздан бемор бўлган кишиларни дарҳол кўргани боришга ҳаракат қилмоғимиз лозим.

Манба: hadis.islom.uz

